

ШАРТНОМА № 22-01

Тошкент шаҳри

2022 йил “ 5 ” январь

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Дунё» ахборот агентлиги (кейинги ўринларда «Дунё» деб юритилади) номидан директор С.Суяров ва «Халқ сўзи» - «Народное слово» газеталари (кейинги ўринларда «Нашр» деб юритилади) номидан бош муҳаррир ўринбосари _____ мазкур шартнома орқали қуйидагиларни келишиб олдилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Дунё» Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет эл давлатларига расмий ва амалий ташрифлари, давлат ва ҳукуматнинг халқаро фаолияти, халқаро, матбуот анжуманлари ва брифинглари, республика ташқи сиёсатига оид материалларни, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда республиканинг хориждаги ваколатхоналари ҳаётига ва бошқа халқаро ҳаётга доир хабарлар, фото тасвирларни (кейинги ўринларда - “Хабарлар” деб аталади) «Нашр» учун тайёрлаб беради.

1.2 «Дунё» тайёрлаб берган хабарларни «Нашр» ўз нашрида чоп этади ва хабарлар учун ушбу шартномада белгиланган тартибда тўловларни амалга оширади.

2. Шартнома миқдори ва тўловлар тартиби

2.1 «Дунё» тайёрлаб берадиган хабарлар учун Шартноманинг умумий тўлов миқдори 36000000 (УТТИЗ ОЛТИ МИЛЛИОН) сўм миқдорида белгиланди.

2.2 «Нашр» шартноманинг умумий суммасидан 30 % миқдоридagi тўловни ушбу шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг ___ кун мобайнида амалга оширади. Хабарлар учун тўловларнинг қолган қисми тарафлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда такдим этилган ҳисоб-фактураларига асосан амалга оширилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1 «Дунё» шартномага асосан хабарларни дастёр ва бошқа электрон воситалари ёрдамида «Нашр»га тезкор равишда етказиб бериш чораларини ўз зиммасига олади.

3.3 «Нашр» «Дунё»дан олинган хабарларни ўз вақтида ўз нашрида чоп этиш ва уни учинчи муассасаларга бермаслик мажбуриятини олади.

3.4 «Нашр» «Дунё»дан олинган материалларни «Дунё» ахборот агентлиги муаллифлиги остида чоп этишни таъминлаши шарт.

3.5 “Дунё” ушбу шартномага асосан “Нашр” учун бир йил муддат мобайнида хабарлар тайёрлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1 Мазкур шартнома шартлари бажарилмаган ҳолда «Дунё» ва «Нашр»

тўғрисида»ги қонунга ва бошқа амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда жавобгарлик чора-тадбирларини қўллашлари мумкин.

5. Шартноманинг муддати

5.1 Мазкур Шартнома амал қилиш муддати 2022 йилнинг 1 январидан 31 декабригача этиб белгиланди.

6. Бошқа шартлар

6.1 Шартномани тўхтатиш бўйича юзага келадиган барча баҳсли масалалар ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади.

6.2 Электрон почта орқали узатилган хабарлар техник сабабларга кўра «Нашр»га етиб бормаса, «Дунё» мазкур хабарларни дастёр ва бошқа электрон воситалари ёрдамида «Нашр»га тезда етказиб бериш чораларини ўз зиммасига олади. Кўзда тутилмаган ёки фавқулодда техникавий сабабларга кўра юзага келадиган ҳолатларни ҳар иккала томон ўзаро келишилган тарзда ҳал этадилар.

Мазкур шартнома икки нусxada имзоланган бўлиб, бир нусхаси «Дунё»да, иккинчи нусхаси «Нашр»да сақланади ва ҳар иккала нусха ҳам тенг юридик қучга эга.

7. Томонлар реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси

Ташқи ишлар вазирлигининг

«Дунё» ахборот агентлиги.

Манзил: 100000, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 3-уй Тел: (71) 233-14-22

Х/р: 4001 1086 0262 7379 5010 0019 002

СТИР: 201 086 694 ХХТУТ: 18120

МБ ББ ХККМ Молия Вазирлик

Газначилиги МФО: 00014

СТИР: 201 122 919 МФО: 00014

Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Нашр: «Халқ сўзи» -

«Народное слово» газеталари.

Манзил: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй,

тел.: 236-01-87, 233-15-22

Хисоб-китоб рақами:

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти
Манзил: 100000 Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Тел (0-371) 236-01-87 233-10-60 НДС: 326 010 005 114
Х/р: 2021 2000 5001 0171 9001
АТ «Халқ банк» Тошкент ш. филиали Амалиёт бўлими
МФО: 01471101130001201 123 308 ОКЭД: 58130

Директор



Юрисконсулт:

И.С. Яковлев

Бош муҳаррир ўринбосари

